

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ СУРАТИЛЛАЕВНА

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИДА
БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ

(Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой кизи ҳикоялари мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philological philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Абдуллаева Дилафруз Суратиллаевна
Замонавий араб ва ўзбек ҳикояларида бадиий психологизм
Гада ас-Самман ва Зулфия Куролбой қизи ҳикоялари мисолида)..... 3

Abdullaeva Dilafruz Suratillaevna
Artistic psychologism in modern arabic and uzbek stories (On the
examples of the stories of Ghada al-Samman and Zulfiya Kurolbay
qizi) 25

Абдуллаева Дилафруз Суратиллаевна
Художественный психологизм в современных арабских и
узбекских рассказах (на примере рассказов Гада ас-Самман и
Зульфия Куролбой кизи) 23

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ СУРАТИЛЛАЕВНА

Замонавий араб ва ўзбек ҳикояларида бадиий психологизм
(Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1297 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маннонов Абдурахим Муталович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Халлиева Гулноз Искадаровна филология фанлари доктори, профессор Муталова Гулнора Саттаровна филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____ 2022 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги бугунги глобаллашув жараёнидаги барча соҳалар каби шиддат билан ривожланиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир миллат адабиёти ўзининг тараққиёт босқичига эга. Шунингдек, ҳар бир мамлакат адабиётини тараққиёти босқичларини ўрганар эканмиз, унда бошқа қардош ёки нисбатан узоқ мамлакатлар адабиёти таъсири ва ўхшаш кўринишларини ҳар бир босқичларда муайян даражада кузатишимиз мумкин. Ўзбек адабиётининг араб тилидаги адабиёт билан алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади ва бу адабий алоқалар бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Араб адабиётининг дунёга машҳур “Минг бир кеча” асари билан аждодлармиз қадим замонлардан таниш бўлса, илк ўрта асрлар ва ўрта асрларда яшаб, илмий ва адабий ижодининг асосий қисмини араб тилида насрий ва назмий жанрларда ёзган буюк ўзбек мутафаккирлари ва қомусий олимларнинг ижод маҳсуллари араб адабиётининг ва адабий жанрларининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. Шунингдек, иккала миллат адабиётига ўз таъсирини ўтказган Ислом маданияти, диний урф-одатлар, Шарқ фалсафаси, ҳаёт тарзи ва анъаналари, Европа модернистларининг асарлари ва ғоялари – адабий асарлар муштараклигида намоён бўлади. Мазкур муштаракликлар замонавий араб ва ўзбек адабиётидаги муштарак мавзулар, ўхшаш сюжет ва образлар, адабий услубдаги ҳамнафаслик – икки миллат адабиётини қиёсий-типологик ҳамда қиёсий-тарихий ўрганишни тақозо қилади.

Дунё адабиётшунослигида қарийб икки асрдан бери бадиий психологизм ва психологик таҳлил масаласи кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Гуманистик ғоялар ва экзистенциализм фалсафаси етакчилик қилаётган бадиий асарларда инсон ва унинг ҳаёти, шахси ва унинг қадри, ўзликни англаш ва ҳурфикрлилик ҳамда, энг асосийси, қаҳрамон руҳияти ва ботиний олами асосий планга чиқди. Замонавий адабий жараёнларда инсон меҳнати улуғланган социал реализм методида ёзилган, асар персонажлари ҳамда уларни қуршаб турган муҳит алоқаларини тасвирлайдиган асарлар ўз долзарблигини йўқотиб, қаҳрамон тафаккури бор жилоси билан тасвирланган, образ ва унинг ички оламидаги мураккаб муносабатлар ўз ифодасини топган психологик асарларга эҳтиёж кўпайди.

XX аср охири XXI аср бошида араб ва ўзбек ҳикоянавислигида ҳам бадиий психологизм, хусусан психологик ҳикоя ўз ривожланиш жараёнида бошқа жанрларга нисбатан етакчилик қилиб келмоқда. Авваламбор, бундай психологик ҳикояларда бугунги кун жамиятининг муаммолари ва унда инсон тақдирининг мураккаб кўринишларини ўта таъсирчан тарзда тасвирланган бўлса, иккинчидан, мазкур ҳикоялар орқали замондош жамиятларга хос муаммолар, иллатлар инсон руҳиятига, руҳияти орқали эса, унинг тақдирига қандай таъсир кўрсатаётганлиги психологик тасвир воситалари ҳамда психологик таҳлил орқали муаллифлар томонидан моҳирона очиб берилган.

Ушбу диссертацияда замонавий араб ва ўзбек психологик ҳикояларининг қиёсий тадқиқи учун Сурия-Ливан адибаси Ғада ас-Самман ҳамда ўзбек

адибаси Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоялари танланганлиги бежиз эмас. Сабаби, бу икки ёзувчи бир даврда яшаб ижод қилиб, ўзаро алоқаси бўлмасанда, уларнинг ижоди ва услубида ўзаро муштарақликлар кўп кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср охири ХХI аср бошида араб ва ўзбек ҳикоянавислиги, шунингдек бадиий психологизм масаласи хусусида алоҳида-алоҳида мамлакатлар доирасида қатор илмий тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, замонавий араб адабиётига оид илмий тадқиқот ишларининг салмоқли қисми рус арабшунос олимлари томонидан амалга оширилган.

Собиқ иттифоқ олимларидан В.Кирпиченко, В.Сафронов, С.Прожогина, Э.Али-Заде, Б.Чуков ва бошқа тадқиқотчиларнинг Миср, Мағриб, Ироқ мамлакатларидаги замонавий адабий жараёнлар ривожланишининг динамикаси, “эски” ва “янги” тушунчалар ўртасидаги узлуксиз кураш, эстетик қарашларнинг тез ўзгарувчанлиги, чет эл адабиётлари билан алоқаларнинг доимий кенгайиб бориши ва айни пайтда, миллий ўзлигини сақлаб қолишга бўлган интилишлари каби масалаларга оид назарий ва амалий натижалар умумараб адабиётини ўрганишда катта аҳамият касб этади¹. Хусусан, рус олимаси Н.Шуйская томонидан Сурия-Ливан адибаси Гада ас-Самман ижоди монографик тарзда ўрганилган бўлиб, олима томонидан ёзувчининг 60-90-йиллар оралиғида ёзилган ҳикоялари тадқиқотга жалб этилган². У ўзининг тадқиқотида Гада ас-Самман кичик насрий асарларининг бадиияти, ғоявий-мавзу кўлами ва шаклий тузилиши масалаларига асосий эътиборни қаратиб, адиба ҳикояларида кўтарилган ижтимоий-сиёсий муаммолар, аёл ва жамият

1 Муҳиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси. Филол. фил. номз. диссер.– Т., 2008. Б 5.

2 Шуйская Н. Новеллистика Гаде ас-Самман (60-90 гг). Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – М. 2011; ўша муаллиф: Шуйская Н. Героини Гаде ас-Самман бросают вызов. //Азии и Африка сегодня. 2007, №7; ўша муаллиф: Шуйская Н. “Поэтесса рассказа” из Сирии. //Азия и Африка сегодня, 2005 г., №2

масалалари, араб мамлакатларидаги ички қарама-қаршиликлар ва уруш хроникасини талқинини бадий таҳлил қилиб, ўз хулосаларини берган. Аммо Н. Шуйскаянинг бизга маълум тадқиқотида адиба Гада ас-Самманнинг ижодида бадий психологизм масаласи, хусусан психологик ва магик реализм унсурлари алоҳида тадқиқот мавзуси даражасида ўрганилмаган.

Араб адабиётида ҳикоя жанрининг тараққиёти ва бадий-эстетик хусусиятларини ўрганилишида ўзбек шарқшунос олимларининг ўрни ва салмоғи алоҳидадир. Замонавий Сурия ҳикоянавислиги бўйича биринчи бўлиб тадқиқот олиб борган шарқшунос ўзбек олимаси М. Акбарованинг³ номзодлик диссертацияси ҳамда қатор илмий тадқиқотларида Сурияда ҳикоя жанрининг шаклланиши, ривожланиши ҳамда Сурия ёзувчилар уюшмаси (1951-1958 йй.) фаолиятига бағишланган. Р. Ходжаева⁴ томонидан Миср адабиётининг йирик вакили Абдурахмон Ал-Хамиси ижоди мисолида замонавий араб адабиётида наср ва драматургия масалалари тадқиқ этилиб, араб адабиётидаги эпик ва драматик жанрларнинг хусусиятлари ва тадрижи борасида хулосалар берилган. Шунингдек, Р. Ходжаеванинг “Янги давр араб адабиёти тарихи”⁵ ўқув қўлланмасида ўзбек тилида илк бор XIX аср охири XX аср бошларида Суриядаги маърифатпарварлик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, илғор маърифатпарварларнинг фаолияти, уларнинг ижодлари юзасидан назарий-илмий хулосалар берилган. Д. Мухиддинова ўзининг илмий изланишларида⁶ янгиланишлар жараёнида ҳикоянависликда мазмуний ўзгаришлар юзасидан назарий-илмий ва амалий хулосалар берилган. Бу босқичда қаҳрамон руҳий кечинмаларини ёрқин акс эттириш, муаллиф нутқида диалог, монологларнинг қўлланилиши, сюжет қурилишида хилма-хиллик, композицион унсурларнинг такомиллашуви каби хусусиятлар мукаммаллашгани, жумладан, ҳикоянависликда психологизм ҳамда психологик таҳлил борасида инсон «мен»ининг иккига бўлиниши, инсон руҳияти ва унинг туб моҳияти, инсоннинг руҳан парчаланиши, унинг сирли дунёсини акс эттиришга интилишлар кучайганини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, диссертацияда бу мавзуларни ёритишда инсоннинг жамиятдан, ҳаётдан “бегоналашув”, “ёлғизланиш” ҳолати ва унинг сабаб-оқибатлари экзистенциализм фалсафаси нуқтаи назаридан асослаб берилган. Олиманинг диссертация ишида келтирилган мазкур фикрлар ва психологизм бўйича кўтарилган масалалар бизнинг тадқиқотимизда қўйилган вазифаларни ўрганишда ва методологик ёндашувимизда ёрдам

3 Акбарова М. Х. Лига сирийских писателей и ее место в развитии современной сирийской новеллистики. Дис. ... канд. филол. наук. –М. 1965; Пути развития современной сирийской литературы. // Сб. науч. тр. ТашГУ: Арабская литература (средневековье и современность). –Ташкент, 1982. - № 697. –С.104-118; Литература Сирии в социокультурном контексте. //Журнал вопросы филологии. –Москва: РАН, 2003. - № 2 (14), –С.124-126; Литература Сирии в социокультурном контексте. //Журнал вопросы филологии. –Москва: РАН, 2003. - № 2 (14), –С.124-126; Современные течения в арабской литературе (II пол. XX в.). // ТошДШИ Илмий ишлар тўплами: Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. –Тошкент, 2005. –Б.153-160.

4 Ходжаева Р.У. Художественная проза и драматургия Абд ар-Рахмана ал-Хамиси.– Т.: Фан. 1975.

5 Хўжаева Р. У. Янги давр араб адабиёти. Ўқув қўлланма. 1-қисм. –Т.: ТошДШИ, 2004.

6 Мухиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадий тафаккур эволюцияси. – Т. Фил. фан. ном..... диссертацияси. –Т., 2008.; Мухиддинова Д.З. XX аср араб янги ҳикоячилигининг шаклланиши ва ривожланиши. Т. Фил.фан.док... диссертацияси. 2017.

бериши шубҳасиз. Шарқшунос олима Ш.Аҳмедова⁷ томонидан олиб борилган тадқиқотларда замонавий Кувайт ҳикоянавислигининг ривожланиш тамойилларини адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё Бақсамий ижоди мисолида ўрганилган. Ш.Аҳмедова ўз тадқиқот ишида “адибалар ижодида ўз-ўзини англаш ҳамда онг ости сирларига кириб боришга йўналтирилган психологик ҳикоя янада ривожланган” лиги борасида назарий-илмий хулосаларни берган.

Ғада ас-Самман ижоди, хусусан ҳикоянавислиги араб олимларининг ҳам тадқиқотларидан ўрин топган, масалан адабиётшунос олим Нужуд Фарис Ҳасан ал-Хатиб⁸ Ғада ас-Самманнинг гендер тенглик борасидаги қарашларини – мазкур йўналиш ва феминистик қарашларнинг асосчиларидан бири ҳамда пешқадам вакили бўлмиш – инглиз модернист ёзувчиси Виржиния Вульф билан қиёслади. Олим ўз тадқиқоти доирасида икки феминист адиба ижодидан алоҳида ўрин олган никоҳ ва оила қуриш мавзусини Ғада ас-Самманнинг “Имконсиз роман: Дамашқ мозаикаси” ҳамда Виржиния Вульфнинг “Ёруғ уй сари” романлари мисолида қиёсий таҳлил қилади. Яна бир араб олими Мона Фаяд эса Ғада ас-Самманнинг “Байрут даҳшатлари” ва Мисрлик адиба Навала эс-Саадавнинг “Ноль мақомдаги аёл”⁹ романларини қиёсий тадқиқ этиб, адибалар насрида психологик реализм тамойилларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Суриялик ёзувчи Абдул Латиф Арнаут¹⁰ томонидан эса адибанинг “Квадрат ой (Ажойиботлар ҳақида ҳикоялар)” номли ҳикоялар тўплами асосида Ғада ас-Самман новеллистикасида араб мухожир адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тамойиллари ва такомилли ҳамда Ғада ас-Самман насри мисолида психологик ва магик реализм методи тадқиқ этилган. Яна бир Суриялик адабиётшунос олим, Марушейх Муҳаммад Салех¹¹ ўзининг “60-80 йиллар Сурия ҳикоянавислари талқинида шахс ва жамият масаласи” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг 3-бобини Ғада ас-Самманнинг 60-йилларда ёзилган ҳикоялари таҳлилига бағишлаб, “Ғада ас-Самман ҳикояларида араб аёли ва замонавий дунё” деб номлайди. Мазкур бобда ёзувчининг аёл образларини яратиш маҳорати очиб бериш билан бирга, унинг асарларида алоҳида аҳамият касб этувчи ижтимоий ва сиёсий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. АҚШлик арабшунос олима Полин Хомси Винсон ҳам Ғада ас-Самман ижодини ўрганиб, уни барча ижтимоий қатламлар муаммосини тасвирлай олган ёзувчи¹² дея эътироф этади.

Эрон арабшунослари Ғада ас-Самман ижодида насрни эмас, балки назмни

⁷ Аҳмедова Ш. И. Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётида адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ижодининг ўрни. Фил.фан. ном..... диссертацияси. – Т., 2010.

⁸ El-Khatib N. The Theme of Marriage in Virginia Woolf and Ghada Al-Samman : A Comparative Study of Two Novels. Yarmouk University, Irbid. 1999.

⁹ <https://www.aljadid.com/content/woman-point-zero-bid-survival-review-ghada-sammans-beirut-nightmares> (Mona Fayad. "Woman at Point Zero": A Bid for Survival, a Review of Ghada Samman's 'Beirut Nightmares'. Al Jadid, Vol. 4, No. 23 (Spring 1998)

¹⁰ <https://www.nizwa.com/غادة-السمان-و-القمر-المربع/>

¹¹ Марушейх Муҳаммад Салех. «Личность и общество» в трактовке сирийских новеллистов 60-80 –х годов». Дис. ... канд. филол. наук. – Т. 1993. – 163 с.

¹² <https://www.aljadid.com/content/ghada-samman-writer-many-layers> (Pauline Homsy Vinson. Ghada Samman: A Writer of Many Layers. Al Jadid Magazine, Vol. 8, no. 39 (Spring 2002).

устун қўйганлар. Эронлик адабиётшунослардан Меҳрали Язданпаноҳ Гада ас-Самман ва Симин Беҳбахани шеъриятида лирика¹³, Зайнаб Хатири эса Гада ас-Самман ва Жале Исфохони шеъриятида семантик аномалияларни қиёсий тадқиққа¹⁴ тортганлар.

Маълумки, охириги йилларда ўзбек адабиётида, хусусан насрий асарларда бадиий психологизм ва психологик таҳлил кучайганини кузатмоқдамиз. Булар орасида Зулфия Қуролбой кизи ижоди алоҳида диққатга сазовор, лекин адибанинг ижоди бугунги кунга қадар монографик тарзда тадқиқ этилмаган бўлса-да, умуман, ўзбек адабиётшунослигида психологик жанрда ёзилган насрий ва лирик асарларни тадқиқ этиш бўйича қатор ишлар мавжуд. Жумладан, А.Расулов, Н.Шодиев, Н.Йўлдошев, Х.Умуровнинг, А.Холмуродов, С.Комилова, П.Кенжаева, М.Бобохонов, М.Шералиева, Ю.Эшматова, Ш.Ботирова ўз диссертацияларида бадиий психологизм ва психологик таҳлил масалаларини турли аспектларини тадқиқ этган бўлсалар, М.Киличева, Н.Қобилова диссертацияларида бадиий психологизм ва руҳият мавзуларида қиёсий тадқиқот олиб борганлар¹⁵.

Бироқ бугунги кунга қадар ўзбек шарқшунослигида замонавий араб ва ўзбек адабиётининг қиёсий тадқиқи, насрий асарларда, хусусан, ҳикоянависликда бадиий психологизм масалалари қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан махсус илмий тадқиқот ишларига жалб этилмаган. Сурия-Ливан адибаси Гада ас-Самман ва ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой кизи ижодиёти эса, умуман, бирон-бир монографик тадқиқот объекти бўлмаган ҳамда икки адиба ижоди қиёсланмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик университетининг “Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва қиёсий адабиётшунослик” мавзусида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади кичик эпик жанрларда икки муаллиф ижодида бадиий психологизм ҳамда психологик таҳлил, талқин, тасвир воситаларининг

¹³ http://clq.iranjournals.ir/article_629909.html?lang=en (Comparative study of Ghada al-Samman and Simin Behbahani's lyric poems)

¹⁴ http://clq.iranjournals.ir/article_679121.html?lang=en (A Comparative Study of Semantic Abnormality in the Poems of Zhaleh Esfahani and Ghada Al-Samman)

¹⁵ Шодиев Н. А. Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1973; Юлдашев Н. Проблемы психологического анализа в узбекской прозе (Внутренний монолог в романах А.Кадыри, Айбека, А.Каххара, А.Якубова): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1982; Умуров Х.И. Проблема психологизма и узбекский роман: дисс. на соиск. учен. степ. д-ра филол. наук. – Ташкент; ўша муаллиф: Ўзбек романчилигида бадиий психологизм. – Т.: Ўқитувчи, 1982; ўша муаллиф: Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Т.: Фан, 1983; ўша муаллиф: Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001; Холмуродов А. Одил Ёқубов романларида психологизм: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1991; Кенжаева П. Истиклол даври ўзбек насрида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари. (Э.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад, С.Вафо ҳикоялари мисолида). – Т.: ТДШУ, 2020; Ю.Эшматова. Истиклол даври ўзбек кинематографиясида аёл руҳиятининг бадиий талқини. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020; Киличева М. Инглиз ва ўзбек адабиётида психологик ҳолатлар талқинида адабий таъсир муаммоси (ёлғизлик мотиви мисолида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2020; Н.Қобилова. Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида бадиий психологизм. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2020;

ифодаланиши, Шарқ жамияти ва бу муҳитнинг аёл руҳиятига таъсирини тасвирлаш маҳорати, шарқона миллий ва диний мотивларнинг ўрни, услубдаги поэтик муштаракликлар ва ўзига хосликлар каби масалаларни араб адибаси Гада ас-Самман ва ўзбек адабаси Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари орқали очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизининг ҳикояларида бадиий психологизм ҳамда психологик тасвир воситаларини қўллаш билан боғлиқ бадиий ва композицион хусусиятларни аниқлаш;

тадқиқ этилаётган материаллар асосида бадиий психологизмни акс эттиришдаги услубий муштараклик ва ўзига хосликларни далиллаш;

икки муаллифнинг инсон руҳиятини бадиий гавдалантиришда ички нутқ ва унинг турлари, психологик портрет ҳамда нутқий характеристиканинг психологик таҳлил воситаси сифатида ёритилишини очиб бериш;

таҳлилга тортилган ҳикоялар асосида образ яратиш ва унинг характерини очиб беришда бадиий психологизмдан фойланишини асослаш;

адибалар ижодида аёл образини уч йўналишда бадиий таҳлил қилиш орқали, “Она” мавқеининг аёл тақдиридаги ўрни, “социум аёл” тушунчаси ҳамда Шарқ жамияти, миллий-оилавий қадриятлар ва унинг аёл руҳиятига таъсири каби масалаларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бир даврда яшаб ижод қилаётган икки муаллиф – араб адибаси Гада ас-Самманнинг “Сенинг кўзларинг –менинг тақдирим” («عيناك قدرى» “Айнаак қадри”), “Ғариблар туни” («ليل العرباء») – “Лайлул Ғурабаа”), “Эски бандаргоҳлар билан хайрлашув” («رحيل المرافى القديمة») – “Ар-раҳилул марафилл қадима”) ва “Квадрат ой” («القمر المربع») – “Ал-қамарул мураббаъ”) номли ҳикоялар тўпламлари ҳамда ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизининг “Қадимий кўшиқ” ва “Ўлим ҳеч нарса эмас” номли ҳикоялар тўпламлари ҳамда матбуот ва интернет нашрларида эълон қилинган психологик ҳикоялари саралаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларининг услубий ва бадиий жиҳатдан қиёсий тадқиқи мисолида замонавий араб ва ўзбек ҳикоянавислигида бадиий психологизм масаласини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, руҳий таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий араб ва ўзбек ҳикоянавислигида бадиий психологизмнинг такомилли ва тадрижи масаласи араб адибаси Гада ас-Самман ва ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи психологик ҳикоялари асосида очиб берилган;

образ характерини ифодалаш, инсон руҳияти, унинг ички олами тасвирида Гада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизининг ҳикояларида ички нутқ ва унинг турлари, психологик портрет, нутқий характеристика, галлюцинация, матндаги услуб, пауза воситаси, шахс “мен”ининг иккига бўлиниши каби психологик таҳлил воситаларининг услубий принциплари

аниқланган;

Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида бадиий психологизм, муаллиф ҳамда Шарқ руҳиятининг ўзаро боғлиқлиги, қаҳрамон характери, ички дунё, ботиний ҳаёт категорияларини психологик талқин қилишда ёлғизлик, инсон қадри, бахтсиз муҳаббат каби мотивларро ўхшашликлар мавжудлиги асосланган;

икки муаллиф ҳикояларида миллий-оилавий қадриятлар, аёл ва замон, аёл ва жамият каби муаммоларининг психологик воқеланиши ҳамда унинг тасвирланишида муаллифларнинг аёллар образини яратиш, унинг руҳиятини очиб беришдаги маҳорати далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизининг бир-бирига алоқадор бўлмаган ҳолда турли минтақаларда ҳамда бир даврда яратилган ҳикояларида акс этган психологизмнинг муштарак ва ўзига хосликларини қиёсий аспектда ўрганиш натижасида ижодкор ва ижод психологиясининг ижтимоий ва миллий талқини бўйича олинган хулосалар қиёсий адабиётшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, шу соҳадаги дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади;

Миллатларро ўзаро дўстлик, адабий алоқалар ва унинг Миллий адабиётимиз ривожига ҳиссаси ОАВ воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот қилишда манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини юртимиздаги, хориждаги, шунингдек, адабиётшунос ва танқидчиларининг фикрига мурожаат қилингани, Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларининг адабий таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш методлари асосида олиб борилгани, амалиётга хулоса ва тавсияларнинг татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти адабий алоқалар, адабий таъсир муаммолари ҳамда қиёсий адабиётшуносликка доир тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши, тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар бадиий психологизм ва психологик ҳикоя жанрининг ривожини ўрганишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, филологик олий таълим муассасаларида “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиёт назарияси”, “Жаҳон адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” “Замонавий адабий жараён”, “Бадиий асар поэтикаси” каби фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини илмий-назарий жиҳатдан кучайтиришда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий араб ва ўзбек ҳикояларида бадиий психологизм тадқиқоти бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

замонавий араб адабиёти ривожда Гада ас-Самманнинг ўрни ва унинг психологик ҳикоялари бўйича олинган илмий-назарий натижалар Ф-1-139 сонли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил 11 март санасидаги 01-04-01/477-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши образ характери очиқ бериш, инсон руҳияти ва ички олами тасвирида Гада ас-Самман ҳикояларида ички монолог ва унинг турлари, психологик портрет, нутқий характеристика, галлюцинация, матндаги услуб, пауза воситаси, шахс “мен”ининг бўлиниши каби психологик таҳлил воситаларининг услубий принциплари аниқлашга хизмат қилган;

замонавий араб адабиёти Гада ас-Самман ва ўзбек адабиёти Зулфия Қуролбой қизи ҳикоянавислигида бадиий психологизм масаласининг қиёсий тадқиқи билан боғлиқ илмий назарий таҳлиллар илмий хулосалар ва таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Таълим ва тараққиёт”, “Ўзбекистон ёшлари” номли дастурлари сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали телеканаллари” давлат унитар корхонаси 2022 йил 17 мартдаги 04-36-614-сон маълумотномаси);

Гада ас-Самман ва ўзбек адабиёти Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида бадиий психологизм, психологик тасвир воситалари, муаллиф ва Шарқ руҳиятининг ўзаро боғлиқлиги, қаҳрамон характери, ички дунё, ботиний ҳаёт категорияларини психологик талқин қилишда мотивларро муштаракликлар билан боғлиқ илмий назарий таҳлиллар, илмий хулосалар ва таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг илмий-адабий тадбирлари маъруза матнларида фойдаланилган (“Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси”нинг 2022 йил 4 мартдаги 01-03/386-сон маълумотномаси). Ҳозирги араб ва ўзбек ҳикоянавислигида бадиий психологизмни талқин этишда ички монолог ва унинг турлари, психологик портрет, нутқий характеристика, галлюцинация, матндаги услуб, пауза воситаси, шахс “мен”ининг бўлиниши каби психологик таҳлил воситаларининг услубий принциплари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бадий насрда психологизм масаласи**» деб номланган. Мазкур бобда бадий психологизм тушунчаси, унинг ўрганилиш тарихи, шунингдек, мазкур соҳада тадқиқот олиб борган етук олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилиниб, замонавий араб ва ўзбек адабиётида психологик ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Сурия-Ливан адибаси Гада ас-Самман ва ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи ижодида бадий психологизмнинг ўрни масалалари очиб берилган. Замонавий араб ва ўзбек ҳикоянавислиги мисолида бадий психологизмнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган ҳолда, унинг ҳозирги адабий жараёнда етакчилигини кузатамиз. Бугунги кунда жаҳон адабиёти миқёсида ўзининг муайян позициясига эга бўлиб бораётган психологик тасвир ва услуб йўналиши кенг китобхонлар оммаси ҳамда адабиётшунослар томонидан алоҳида диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Рус адабиётшунослигига психологизм тушунчаси қарийб юз эллик йил аввал кириб келган бўлиб, Л.Я.Гинзбург “анъанавий адабий жанрларга психологик янгиликлар эндигина кириб келаётган ва мукаммал шаклланиб улгурмаган бир вақтда, бадий адабиётнинг ёндош жанрлари бўлмиш – нома (расоил), кундалик, мемуар ва автобиографик жанрларда психологизм аллақачон ривожланиб бўлган эди¹⁶” деб ёзади. Ўзбек адабиётшунослигида бадий психологизм масаласи илмий майдонга XX асрнинг 2- ярмида кириб келиб, А.Расулов, Н.Шодиев, Н.Йўлдошев, Х.Умуров мазкур масалани ўтган асрнинг сўнгги чорагида тадқиқ этган бўлсалар, истиқлол йилларида А.Холмуродов, П.Кенжаева, Ю.Эшматова, Ш.Ботирова, М.Қиличева, Н.Қобилвалар бадий психологизм ва психологик таҳлил масаласига бағишланган изланишлар олиб бордилар. Араб адабиётшунослигида ҳам бадий психологизм масаласи қатор араб адабиётшунос (Ибороҳим Фазаллоҳ¹⁷, доктор Анвар Абдулҳамид Мусо¹⁸, Самир Абдуху¹⁹, Жон Наъум Таннус²⁰ ва б.) олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, айнан Гада ас-Самман ижодида

¹⁶ Гинзбург, Л. Я. О психологической прозе. О литературном герое. СПб.: Азбука, 2016, 76-б.

¹⁷ إبراهيم فضل الله. علم النفس الأدبي مع نصوص تطبيقية. دار الفارابي. بيروت 2011. ص 215.

¹⁸ أنور عبد الحميد موسى. علم النفس الأدبي. دار النهضة العربية للطباعة والنشر والتوزيع. بيروت 2011. ص 230؛ البلاغة العربية والتحليل النفسي. دار النهضة العربية للطباعة والنشر والتوزيع. بيروت 2016. ص 256.

¹⁹ سمير عبده. التحليل النفسي لشخصية نزار قباني. منتدى المعارف. بيروت 2013. ص 185.

²⁰ جان نعوم طنوس. التحليل النفسي لحكايات الأطفال الشعبية. دار المنهل اللبناني للطباعة والنشر. بيروت 2005. ص 243.

бадий психологизм, хусусан, психологик реализм масаласи Суриялик ёзувчи ва олим Абдул Латиф Арнаут²¹ томонидан тадқиқ этилган.

Бадий психологизм турли адабий турлар ва жанрлар кесимида ўз ўрнига эга бўлиб, шеърий асарларда унинг мавжудлиги мажбурий бўлса, насрий ҳамда драматик асарлардаги асосий функцияларидан бири характер яратиш ҳисобланади. Ҳикоя жанри эпик турдаги жанрлар ичида энг кичиги ҳисобланса-да, бадий образ руҳиятини очиб бериш – бадий психологизм ва унинг турли кўринишларини ўқувчига етказиб беришда бошқа насрий жанрлар орасида етакчилик қилмоқда. Психологик ҳикоя ўзининг қисқа, лўнда ва ҳар бир давр учун долзарб фалсафий ғоялари билан бугунги глобаллашув жараёнида яшаётган информацион аср ўқувчиси, қолаверса ёзувчиси учун ҳам энг қулай жанрга айланди. Бадий психологизмни ўрганишда турли ижтимоий-сиёсий вазиятлар таъсири ва воқелигида яратилган Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи қаламига мансуб ҳикоялар, улардаги баёнчилик услуби ҳамда руҳият таҳлилини қиёслаш алоҳида аҳамиятга эга. Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижодига хос бўлган бадий психологизмнинг етакчилик масалаларини ўрганиш ҳозирги замон араб ва ўзбек ҳикоячилигида кўрилатган қатор бадий, руҳий таҳлил элементларини кашф этишга ва бу тенденцияларнинг ҳозирги замон жаҳон насрчилигида етакчи бўлиб бораётган омилларни очиб беришга хизмат қилади.

Бугунги кунда самарали ижод қилиб келатган икки мамлакат адабиётининг ёрқин вакиллари Гада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи ижодини диққат билан ўрганар эканмиз, иккала адиба ижодида бадий психологизм етакчи эканлигининг гувоҳи бўламиз. Икки ҳикоянавис қаламига мансуб психологик ҳикояларининг қиёсий тадқиқи – замонавий араб ва ўзбек адабиёти, хусусан ҳикоянавислиги ҳамда унинг ривожланиш тамойилларига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“ҒАДА АС-САММАН ВА ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ ҲИКОЯЛАРИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ”** деб номланиб, унда Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида ички нутқ: лукма (реплика), диалог ва монологларинг бадий воқеланиши, ижодкорларнинг портрет ва нутқий характеристикадан фойдаланиш маҳорати ҳамда адибалар ҳикоялари бадииятида реализмнинг воқеланиш тамойилларининг тадқиқи амалга оширилган.

Ёзувчи Гада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳам ўз ижодида ички нутқ – ички реплика, ички диалог, ички монолог (монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-мулоҳаза), нутқий характеристика, портрет, такрор сўзлар, галлюцинация, пауза воситаси каби психологик таҳлил воситаларидан моҳирона фойдаланиб, психологик ва магик реализм унсурлари билан бойитилган насрий асарлар яратиб келмоқдалар. Ички нутқ масаласи Гада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи насрида, хусусан, ҳикоянавислигида алоҳида аҳамият касб этади. Иккала муаллиф услубидаги ўхшашлик –

²¹ <https://www.nizwa.com/غادة-السمان-و-القمر-المربع/>

ижодкорнинг мақсади айнан шу жиҳатдан намоён бўлади. Тафовутли жиҳати эса, Гада ас-Самман ижодида асар руҳиятини янада таъсирли етказиб бериш учун фақатгина ҳикоячи-персонаж нутқидан фойдаланиб, воқеалар ривожини бошидан охиригача бош қаҳрамон тилидан баён этилса, Зулфия Қуролбой кизи услубида айрим асарлари ҳикоячи-муаллиф, айрим асарлари эса ҳикоячи-персонаж нутқидан сўзлаб берилади. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоячи-муаллиф тилидан баён этилган психологик ҳикояларнинг муҳим жиҳати шундаки, унда муаллиф образи асарга шу қадар сингиб кетадики, гўё у қаҳрамон билан ёнма-ён тургандай ҳис қилинади. Шу ўринда муаллиф ўқувчига ўзининг вазиятга нисбатан шахсий муносабати – субъектив баҳосини бевосита етказди. Масалан, Зулфия Қуролбой кизи ижодидан ўрин олган “Холиқ амаки” ҳикоясида ички реплика умумий матндан ажратилган ҳолда қавс ичида ҳавола қилинади ҳамда ҳикоячининг воқеа баёнига изоҳи сифатида келтирилади: *Азбаройи қизиққанымдан (одамзоднинг феъли шунақа), қилаётган ишимни ташлаб, кўча эшик олдига чиқдим.*²²

Ички диалог эса мураккаб психологик ҳодиса бўлиб, унда персонажнинг ўзи билан ўзи ёки бошқа бир шахс қурган ҳаётини суҳбати акс этади. Ички диалог араб адабиёти Гада ас-Самман насрида шахснинг иккига бўлиниши содир бўлган ҳолларда кўп учрайди. Масалан, адабанинг “Ўзга бир совуқ окшом” ҳикоясида муаллиф бир шахс қиёфасида икки характер – катта оиланинг эрка, кенжа фарзанди Фотима ва ёлғиз аёл Тима образини гавдалантиради:

"تيماء، هل أنت حزينة؟" .. "لست حزينة بالضبط يا فاطمة، لكن الأشياء كلها امتزجت واختلطت و تشوهت... أعصابى شبكة ممزقة، فيها آثار حريق قديم لم تعد تذكر في أي كهف شب، و لا كيف و متى" .. "اسألني رف كتبك".

اليوت يصرخ من دفتي كتابه: أنا انسان الأرض البوار.

كامو يئن: أنا الغريب.

سارتر: أنا الاله.

كافكا: أنا المحكوم سلفاً بلا جريمة، أنا الصرصار.

ثم يصرخون جميعاً معاً و تنضم الى الجوقة آلاف الصرخات، تمتزج، تعول، تهدر، ثم موجة من

الفقاعات...²³

“Тима, маҳзунмисан?”... “Йўқ, маҳзун эмасман, эй Фотима, аммо ҳамма нарсалар шу қадар қоришиб, аралашиб кетдики... Асабларим узиб ташланган тўр каби, унда қадимги ёнгининг излари бор, ёдингда йўқми, қайси гордин ўт чиққанди, қандай қилиб ва қачон”... “Ўзининг китоб жавонингдан сўра”.

Элиот ўз китобининг муқовасидан бақирди: *Мен ер юзидаги эзилган одамларданман.*

Камю оҳ урди: Мен гарибман.

Сартр: Мен Илоҳ.

Кafka: Мен айбсиз айбдорман. Мен суваракман!

²² Ўша асар. Б 192.

²³ عادة السمان. ليل الغرباء. أفسية أفرى باردة يسروت، منشورات غادة السمان، 1966. ص. 146

*Кейин эса уларнинг бари бирга бақирадилар, уларнинг бу ҳайқиригига яна минглаб ҳайқириклар қўшилади, қоришиб кетади, кўтарилади ва пасаяди, кейин эса яна нуфаклар тўлқини... ”**

Мазкур ўринда муаллиф ўз қисмати ва ёлғизлигидан жуда қаттиқ руҳий азоб тортаётган аёл образидаги ўткир психологик ҳолат юз беришини ички диалог билан тасвирлашга уринади. Ўтмиш хотиралари ҳамда ёлғизлик дарди Тимани ичидан кемириб боради, натижада ундаги ёлғизлик қисматидан пайдо бўлган руҳий азоб ўз “мен”и билан суҳбат қуришга чорлади. Ички нутқдаги Фотима ва Тиманинг диалогларида галлюцинация ходисаси содир бўлиб, Европа модернистларининг сўзлари билан қоришиб кетади. Мазкур ўринда муаллиф *талмеҳ санъати*дан фойдаланиб, Элиот, Камю, Сартр, Кафка каби модернистлар номини эътироф этган ҳолда икки оғиз сўз билан улар ижодига таъриф бериб ўтади.

Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижодий услубида ҳикоячи-персонаж етакчилик қилгани боис, иккала адиба ижодида адабий портрет ҳамда нутқий характеристика воситалари уйғун ҳолда келади. Масалан, Ғада ас-Самманнинг “Мушук овози” ҳикоясида бош қаҳрамон Яфа тилидан тақдим этилган нутқий характеристикада инглиз қизи Дездера образи портретини кўришимиз мумкин.

لفتت نظري بمظهورها الغريب: قامة طويلة نسبيًا، بنظرون يضيق على ساقين نحيلتين، وردف لا استدارة فيه كأرداف الرجال، و صدر أملس ووجه جميل التقاطيع غريبها، و شعر أشقر قصر يغطي غنقها لا الخلف.²⁴

У ўзининг ғаройиб кўриниши билан менинг диққатимни ўзига жалб қилди. Нисбатан баланд бўйли, кийиб олган шими озгин сонларини қучоқлаб турарди, бўксаси худди эркакларники каби текис, силлиқ кўкраклари ва чиройли юз тузилиши, аммо калта малларанг сочлари орқа томонидан кўйлагининг ёқасигача зўрға етиб турарди...

“Ўзга бир совуқ оқшом” ҳикоясида эса психологик портрет асар ғоясини очишда етакчилик қилади. Ёзувчи ҳикояда кўтариб чиққан диний ички-қарама қаршилиқлар ва натижада юзага келган укубатли воқеалар сабабини одамларда ҳақиқий Иймоннинг етишмаслигида деб билади, уни психологик портрет орқали, асар қаҳрамони Фотиманинг Отасини жасадини кўрганида ички монологда ҳавола этади.

و اقترب من خيط الدماء الدف كان يسيل من فمه. أحسنت بغيره لا حدلها من تلك الابتسامة العجيبة على شفثيه. كانت تحمل كل ما أبحث عند الداخل الكتب، و لا أعرف له لحديدًا: شيء كان يسميه أبي "الإيمان".²⁵

Мен уларнинг (отамнинг) оғизларидан ипдай ингичка бўлиб оқаятган қонга яқинлашдим. Уларнинг лабларидаги ажабтовур табассумдан чексиз ғайратни ҳис қилдим. Унда мен китоблардан қидирган барча нарса

* Элиот, А.Камю, Ж.Сартр, Ф.Кафка – буларнинг бари XX аср Европада яшаб ижод қилган ёзувчилар бўлиб, улар замонавий адабиётдаги модернизм оқимининг йирик намоёндаларидир. Мазкур парчада муаллиф ушбу ёзувчилар ижодини бир сўз билан таърифлашга уринган. Ф.Кафка эса ўзининг машҳур "Эврилиш" номли ҳикоясида бош қаҳрамоннинг суваракка айланиб қолгани ҳақида ёзади. Бу ерда шулар назарда тутилмоқда.

²⁴ غادة السمّان. ليل الغرباء. المواء. بيروت، منشورات غادة السمّان. ص. 26.

²⁵ Ўша асар. Б.137.

мужассам эди, мен аниқ билмайман, аммо бу нарсани отам бир сўз билан атардилар: “Иймон”...

Ўзбек ёзувчиси Зулфия Қуролбой қизи ҳам образга портрет чизгилари беришда ўз услубига эга – адиба қаҳрамонларининг “исми жисмига монанд” бўлиб, муаллиф танлаган исм образнинг ташқи кўриниши, феъл-атвори ва ҳатто айрим ҳолларда тақдирига ҳам тааллуқли бўлади. Муаллифнинг “Ҳилола” номли ҳикояси ҳам бир ўзбек қизининг қисмати ва унинг руҳияти тасвири масаласига бағишланган бўлиб, унда бедаво касалликка чалинганлиги сабаб турмушга чиқиш, аёллик ва оналик бахтига эришиш каби орзулари армонга айланаётган оддий бир ўзбек қизининг изтироблари ва эрта вафот этиши тасвирлайди – *Ҳилола...Уч кунлик ҳилол мисол нозик, рангпар, юпқа лаблари қонсиз... Қуюқ киприкли, шаҳло кўзлари гоҳ маъсум, гоҳ қайғули, баъзи-баъзида, кайфияти аъло вақтларида шўхлик-муғомбирлик билан боқади. Ва бу унга жуда ярашади. Китобларда тасвирланган ойимқизларга ўхшаб кетарди* ²⁶ Бу ўринда Зулфия Қуролбой қизи статик портрет туридан фойдаланиб, Ҳилола образига персонаж асарга кириб келгандаёқ тавсиф беради. Аммо муаллиф бу билан чекланиб қолмай, асар давомида динамик портретдан фойдаланиб, воқеа ва диалоглар тасвирида, ҳаракат давомида персонаж кўринишига доир айрим деталларни киритиб боради: *“Шу чоғда уни бир кўрсангиз эди! Шаҳло кўзлари чақнар, рангпар ёноқлари лов-лов ёнар, ҳамини изтироб билан қимтилган лабларида юракларни кўтариб юборгувчи табассум жилваланарди”* ²⁷.

Адибалар услубидаги ўхшашликнинг яна бир қизиқ жиҳати, бу матнни оддий ва курсив шрифтлар, қавс белгилари билан ажратган ҳолда, матн ўйини услубидан фойдаланишдир. Гада ас-Самман услубининг ўзига хос жиҳати шундаки, у асар матнида бугунги кун ва ўтмишни оддий шрифт ва қавс ичига олинган тўқ бўёкли курсив шрифт орқали ажратади. Бу усул адибанинг барча насрий асарлари (роман ва ҳикоялар)да учрайди ва муаллиф услубининг ажралмас қисми ҳисобланади.

(ليلة رحيل شددي إلى صدرك... أتخطب بنشوة ففي شبائك. أود أن لا أحرر منها أبداً. همست: سوف أفتقدك!)²⁸

(Кетадиган куним мени бағрингга босдинг... Сенинг бўйингдан нафас олардим. Бағрингдан ҳеч қачон бўшатмаслигингни истардим. Аста пичирладинг: Сени йўқотаянман!)

Зулфия Қуролбой қизи асарлари эса услуб жиҳатидан бирмунча фарқ қилади. Масалан, “Қадимий кўшиқ” ҳикояси матнида ҳам курсив матнлар оддий матн ичида изоҳларсиз ҳавола этилади. Муаллиф баёнчиликда матн ўйинидан фойдаланиб, матнни курсив ва оддий шрифтларга ажратади оддий шрифтда реал ҳаёт тасвири берилса, курсив шрифтда реал оламга параллел бўлган ғайритабиий олам вакиллари суҳбати берилади. Ҳикояда диалог

²⁶ Зулфия Қуролбой қизи, “Ўлим ҳеч нарса эмас”. Янги аср авлоди, Т.:2011 йил. 207-б.

²⁷ Зулфия Қуролбой қизи, “Ўлим ҳеч нарса эмас”. Янги аср авлоди, Т.:2011 йил. 215-б.

²⁸ Ўша асар. Б-29.

эгаларининг ким эканлиги тилга олинмаган, уларнинг суҳбатлари эса матнга ҳеч қандай огоҳлантиришсиз кириб келади.

— *Ё тавба, мен илгари ҳам бундай воқеага гувоҳ бўлгандим.*

— *Қачон?*

— *Миллион йил аввал...*²⁹

Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизининг психологик ҳикояларининг яна бир уйғунлик – бу персонаж руҳиятидаги инқироз паллаларидан галлюцинация психологик тасвир воситасидан фойдаланишдир. Юқорида Ғада ас-Самман ижоди мисолида мазкур ходисани таҳлил қилган бўлсак, Зулфия Қуролбой қизининг “Ёзсиз йил” ҳикоясида галлюцинация ҳодисаси ўзгача талқин қилинади – сублимация (яъни онг ости истакларининг турли шаклларда содир бўлиши) ҳодисаси билан уйғунлашиб келади:

Собир гўё бир дақиқа ҳам ухламаган, алаҳсираган одамдек кўзларини катта-катта очиб онасига қараб ётарди.

— *Чанқадингми, болам?..*

— *Чанқадим, лекин қайнатилган гуруч сувини ичмайман энди.*

— *Нега?..*

— *Ҳеч бўлмаса, тўйимда гуруч сувини тиқиштирманг, эна!*

— *Тўй...*

— *Ҳа, тўйим бўляпти! Сиз нега тўйга чиқмаяпсиз, эна? Ҳамма ҳовлининг чангини чиқариб ўйинга тушиб ётибди-ку.*³⁰

Адабиётшунос олим Умарали Норматов таъбири билан айтганда, “мавжуд ҳаётда амалга ошмаган **висол** ҳаёт-мамот юзма-юз келган дамларда, кечинмалар жазаваси авжида хаёлда, тасаввурда содир бўлади. Машраб қисматини ёдга солувчи ошиқ йигит тақдирида мўъжиза рўй беради, гўё Машраб янглиғ аршнинг кунгурасида ёр висолига эришади.”³¹ Собирнинг паймонаси яқин қолганини ҳам ёзувчи галлюцинация орқали аён қилади – унинг кўзига марҳум отасининг руҳи кўринади.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**ҒАДА АС-САММАН ВА ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ**” деб номланади, унда адибалар ижодидаги аёллар образи галереяси уч кўринишда тасвирланади – Аёллар руҳияти тасвирида “Она” мавқеининг ўрни, адибалар ижодида “социум аёл” концепти ҳамда Миллий анъаналар қобиғидаги аёл образлари таҳлилга тортилади.

“Деразадан мўраларди тонг” “**الفجر عند النافذة**” ҳикоясида меҳрибон ва жонкуяр серфарзанд она образи гавдалантирилган бўлиб, ҳикоя сюжети Она образининг турмуш ўртоғи ва фарзандлари ўртасидаги муносабатлари асосига қурилган. Тўнғич фарзанди Мазеннинг гўдаклик чоғида вафот этиши, уни кейинги фарзандлари олдидаги масъулиятини янада кучайтиради:

²⁹ Зулфия Қуролбой кизи. Қадимий кўшик. Ҳикоялар.Т.: 2012. Б 125.

³⁰ Зулфия Қуролбой кизи. “Ўлим ҳеч нарса эмас”. Ҳикоялар.Т.: 2012. Б 150.

³¹ Умарали Норматов. “Қалбдаги беназир зиё”. —Ёшлик, 2010. 5-сон, Б 8.

لكن طفلها لن يموت بعد اليوم .. ستتحمل ثورات أبيه و سأمه حتى يكبر يصبح شاباً ثم ترتدي لزوجها من جديد ثوبها السماوي الشفاف .. لكن ثوبي السماوي الشفاف لم يعد يناسبني .. انه يليق بفتاة تحيلة جميلة الجسم .. جاري مثلاً³² ..

Бугундан кейин энди унинг фарзанди ўлмайдими.. Фарзандлари улгайиб, балоғат ёшига етмагунга қадар, отасининг исёни ва зерикаши борасидаги дашномларига сабр қилади.. Кейин эса у (эри учун) мовий рангли шаффоф кўйлагини кияди.. Лекин мовий рангли шаффоф кўйлагим энди менга ярашмайди... Қомати келишган чиройли ёш қизга ярашади.. Кўшини қиз мисол учун..

Рафикасининг эътибори ва меҳридан кўнгли тўлмаган, оилавий муносабатлардаги зиддиятлардан чарчаган ва зериккан турмуш ўртоғи кўшни қизни севиб қолади. Эрининг хиёвати уни янада қаттиқ психологик ҳолатга солса-да, ҳикоя қаҳрамони аёллик бахтини қурбон қилиб, Оналик бахтини устун қўйиб, фарзандлари билан бирга қолишликни танлайди.

Она образининг ўзига хос талқинини Зулфия Қуролбой қизи ижодида ҳам кузатамиз. “Ёзсиз йил” ҳикоясидаги Бувгул хола образида касалманд ўғлига жонини фидо қилган Она тимсоли гавдалантирилган. Ҳикоя сўнгида ногирон ўғил ҳаёт ва муҳаббат учун бўлган узоқ курашлардан сўнг, жон таслим қилади, онаизорнинг устунга суянганча “*Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам*” деган сўзларни дуодай ожизона такрорлаб ошиқ ўғлини сўнги йўлга кузатади. Ҳикоя Бувгул холанинг осмонга қараб “*Одамни эрмак учун яратиб, уни эплай олмай қолганингдан кейин ўлимни ўйлаб топдингми?*”³³ дея савдойиларча шивирлаб айтган жумласи билан якунланади. Бир қарашда бу жумла шаккоклик ва тақдир ҳукмига бўлган исён каби туюлади. “Аммо аслида бу Она қалбидаги фарзандига бўлган илоҳий меҳрнинг сўнги – якуний тасдиғи каби янграйди³⁴”. “Ёзсиз йил” ҳикоясидаги Бувгул хола образи ўзбек адабиётидаги янги услубдаги образ деб аташ мумкин – ҳикоянавис аёл руҳияти талқинида Она мавқеининг аҳамиятини тўлиқ очиб бера олган.

